

**Сирдарё вилоят адлия бошқармаси томонидан 2022 йил
давомида амалга оширилган ишлар ҳақида
М А Ъ Л У М О Т**

Сирдарё вилоят адлия бошқармаси ва туман (шаҳар) адлия бўлимлари томонидан 2022 йил давомида бир қатор ишлар амалга оширилди.

Хусусан, бошқарма ва туман (шаҳар) адлия бўлимларига келиб тушган **жами 4 963 та** мурожаат келиб тушган бўлиб, шундан **4 523 таси** қонуний ҳал этилди.

Аниқланган қонун бузилиши ҳолатларини бартараф этиш юзасидан **2 287 та** тақдимнома ва **4 103 та** огоҳнома киритилган. **591 нафар** шахслар маъмурий жавобгарликка тортилган.

Кўрилган чоралар натижасида **1 563 нафар** айбдор шахсларнинг интизомий жавобгарликка тортилиши, **12 мингдан** зиёд ноқонуний ҳужжатларнинг бекор қилиниши таъминланган.

Судларга **26 млрд 469,0 млн сўмлик 1897 та** даъво аризалари киритилди.

Кўрилган таъсир чоралари натижасида ҳозирги кунда фуқароларга **31 млрд 57 млн сўм** миқдорида пул маблағлари ундириб берилди.

Қонунчиликни такомиллаштириш бўйича **1 022 та** таклифлар киритилган.

Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 22 июндаги 390-сонли қарори билан маҳаллий давлат ҳокимияти органлари фаолиятига қабул қилинадиган қарорларни ишлаб чиқиш, келишиш ва рўйхатдан ўтказишнинг ягона «**Е-қарор**» электрон тизими жорий этилиб, ҳужжатни тўғридан-тўғри кўчириб вилоят ва туман даражасида тасдиқлаб қўйиш амалиётига маълум даражада чек қўйилди.

Тизим жорий этилган кундан бугунга қадар тизим орқали вилоят бўйича жами **15 872 та** ҳужжатлар, шундан **7 734 та** ҳоким қарорлари ва **4 456 та** фармойишлари, **3 682 та** Кенгаш қарорлари қабул қилинди. Бу турдаги ҳужжатларнинг **156 тасини** норматив тусдагилар ҳамда **15 690 таси** норматив бўлмаган ҳужжатларни ташкил этади.

Адлия органларига қарорлар лойиҳаларини мажбурий экспертизадан ўтказиш учун келиб тушган жами **201 та** қарорлардан **53 таси** уларни қабул қилишнинг белгиланган тартибига риоя этилмаганлиги сабабли рад этилган.

Шундан, норматив тусдаги қарорлар **175 тани** ташкил этиб уларнинг **136 тасига** ижобий ҳулоса берилган **39 таси** белгиланган талабларга риоя этилганмаган ҳолда тақдим қилинганлиги сабабли рад қилинган.

Шунингдек, 2022 йил давомида мониторинглар натижасида жами **161 та** қарор ва фармойишлар қабул қилинишида қонунбузилиши ҳолатлари аниқланган бўлиб, мазкур ҳолатлар юзасидан киритилган **51 та** тақдимнома ва **40 та** огоҳномалар натижасида **89 та** қарор бекор қилинди, 5 та қарор қонунчиликка мувофиқлаштирилди.

Шу билан бирга, «Е-қарор» электрон тизимидаги **41 та** қарор ва фармойишларнинг мақоми ўзгартириб чиқилди ҳамда **54 та** асосиз яширилган ҳужжатлар барча учун очиқ ҳолатга ва **48 та** қонунга зид равишда очиқ ҳолатда қабул қилинган қарор ва фармойишлар ёпиқ ҳолатга ўтказилди.

Шу аснода, амалга оширилаётган ислоҳотлар самарадорлигини кучайтириш, қонун устуворлигини сўзсиз таъминлаш мақсадида қуйидаги қатор услубий тавсия ва кўрсатмалар ишлаб чиқилди.

Жумладан, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари томонидан қабул қилинадиган умуммажбурий кўрсатмалар мавжуд бўлган, **7 таси** Халқ депутатлари вилоят ва **3 таси** туман (шаҳар) кенгашлари, **10 таси** вилоят ва **3 таси** туман ҳокимлари ҳамда **1 таси** ҳам вилоят, ҳам туман (шаҳар) Халқ депутатлари кенгашлари ва **6 таси** ҳам вилоят, ҳам туман (шаҳар) ҳокимлари қарорлари асосида қабул қилинадиган **жами 30 турдаги** қарорлар рўйхати тузилди.

Маҳаллий давлат ҳокимияти органлари томонидан қабул қилинадиган норматив тусдаги **26 та** қарорлар ва норматив бўлмаган **27 та** турдаги қарорлар намуналари ишлаб чиқилиб, тасдиқланди.

Ушбу қарорлар намуналари фойдаланиш учун тегишлилиги бўйича ҳокимлик ва Халқ депутатлари кенгашларга етказилиши таъминланди.

Ҳозирга қадар, юридик хизмат кўрсатиш марказлари томонидан давлат органлари ташкилотларининг жами **206 261 та** ҳужжатлари ва шартномалари ҳуқуқий экспертизадан ўтказилиши таъминланди.

Шу билан биргаликда, қонунчилик ҳужжатлари талабларига жавоб бермайдиган ёки зид бўлган жами **8 582 та** ҳужжатлар юзасидан ҳулосалар бериш рад қилиниб, уларнинг амалга киритилиши тўхтатиб қолинди.

Қонун устуворлигини таъминлашнинг самарадорлигини янада ошириш, юридик хизмат кўрсатиладиган ташкилотларда бир хил амалиётни йўлга қўйиш мақсадида ташкилотлар томонидан қабул қилинадиган (тузиладиган) **60 га яқин турдаги** буйруқ ва шартномалар намуналари ҳам ишлаб чиқилиб, тасдиқланди.

Шунингдек, бошқарма томонидан ҳуқуқни қўллаш амалиётини ўрганиш соҳасида 2022 йил давомида **45 та** ташкилотда ўрганишлар ўтказилиб, аниқланган қонун бузилиш ҳолатлари бўйича тегишли идораларга **59 та** тақдимнома ҳамда мансабдор шахсларга нисбатан маъмурий жавобгарликка тортиш юзасидан **13 та** тақлиф киритилди.

Таъсир чоралари натижасида **43 та** ноқонуний ҳужжатлар бекор қилиниб **19 та** ҳужжат қонунчиликка мувофиқлаштирилди, **84 нафар** шахс интизомий ҳамда **11 нафар** шахс маъмурий жавобгарликка тортилди, **5 нафар** шахс билан меҳнат шартномаси бекор қилинди.

Бундан ташқари судларга тадбиркор манфаатида **18 та** даъво аризалар киритилиб **4 млрд. 941 млн.** сўмлик пул маблағлари ундириб берилди. **24 та** таҳлил ва умумлаштиришлар ўтказилиб, қонунчиликни такомиллаштириш ҳамда хорижий давлатлар тажрибасини тадбиқ этиш юзасидан **60 дан зиёд** қонунчиликка тақлифлар киритилди.

Шу билан бирга, 2022 йил давомида бошқарма ва туман (шаҳар) адлия бўлимлари томонидан **29 074** мартаба ҳуқуқий тарғибот тадбирлари ўтказилди.

Хусусан, жойларда **12 314** мартаба оғзаки ҳуқуқий тарғибот тадбирлари ташкил қилиниб, тадбирлар давомида **122 148** дан зиёд фуқаролар камраб олинди.

Телевидениеда **559** мартаба, радиода **606** мартаба, газеталарда **459** мартаба ҳамда веб-сайт ва бошқа интернет тармоқларида **13 452** мартаба тарғибот тадбирлари олиб борилди.

2022 йил давомида **1145 та** норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар электрон матни Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгилаб берилган рўйхат асосида ҳудудий давлат органлари ва ташкилотлари, шунингдек уларнинг қуйи тизимларига етказилди

2022 йилда **10 та** давлат ташкилотига ҳуқуқий тарғибот соҳасида қонун ҳужжатлари бузилишига йўл қўймаслик тўғрисида огоҳнома киритилди.